

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳақда гапирганда, Фарғона вилоятидаги сугориладиган майдонларнинг ўртача ер бонитети кейинги йиллар давомида 10 баллга, Бешарик, Тошлоқ, Риштон ва Учкўприк туманларида 15-16 баллга, Фурқат туманида 18 баллга, Бувайда туманида эса 23 баллга камайганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда вилоят бўйича қишлоқ хўжалигидаги сугориладиган ерларнинг 51 фоизини турли хил даражада, жумладан, 66 минг гектари ёки 26 фоизини ўртача ва кучли даражада шўрланган майдонлар ташкил этади.

Бу борадаги аҳолини ижобий томонга ўзгартириш мақсадида 2008-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган махсус давлат дастурида Фарғона вилоятида 56,5 миллиард сўмлик, жумладан, 2008 йилнинг ўзида 8,4 миллиард сўм ҳажмидаги мелiorация ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, бу йил Марказий Фарғона туманларида Хитойдан 73 донга, Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жағғармаси маблағлари ҳисобидан лизинг компанияси орқали вилоятга қўшимча равишда яна 28 донга замонавий мелiorатив техника келтириш кўзда тутилмоқда.

Фарғона вилоятининг ўтган йили пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажаришда қолоқликка йўл қўйгани, юмшоқ қилиб айтганда, бир пайтлар бу соҳанинг устаси бўлган сиздек миришкор деҳқонларга албатта ярашмайди, деди Президент.

Пахтачилик соҳасидаги бундай оқсоқликнинг сабабларидан бири — кўп йилдан буён ечмасдан келаётган, шу заминга ҳар томонлама мос бўлган ғўза навини яратиш билан боғлиқ.

Вилоятнинг тупроқ ва иқлим шaroити талабларига жавоб берадиган серхосил, эртапишар ва сифатли тола олинадиган навлар яратилмагани натижасида ҳар 3-4 йилда ғўза навлари алмаштирилиб, асосий майдонларга ўртапишар навлар экиб келинмоқда. Хусусан, 2007 йилда 61,4 фоиз майдонга ана шундай навлар экилди. Афсуски, бу навлар ҳозирча кутилган самарани бераёлмайди. Ҳосилдорлик ва тола сифатининг пастлиги туфайли бир қатор туманларда қилинган харажатлар ўзини қопламайпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимлиги тегишли идоралар билан биргаликда, Фарғона шaroитида жаҳон бозорига талаб катта бўлган, сифатли тола берадиган истикболли ғўза навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича аниқ ва амалий чора-тадбирларни кўриши зарур.

Давлатимиз раҳбари мажлис аҳли эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Бу вилоятда етиштирилмаётган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ.

Маълумки, Фарғона вилояти ўзининг сўлим боғлари, ширин-шакар мева ва сабзавот маҳсулотлари билан бутун дунёда шухрат қозониб келади. 2007 йилда 357 минг тонна сабзавот, 178 минг тонна мева, 53 минг тонна узум етиштирилгани ҳам вилоятнинг бу борада қандай катта имкониятга эга эканини кўрсатади. Лекин, афсуски, бу маҳсулотларни қайта ишлаш, шу соҳада мавжуд корхоналарнинг қувватидан самарали фойдаланиш ишлари ҳамон қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Ҳатто йили худудда етиштирилган узумнинг 3,5 фоизи, сабзавотнинг 14,8 фоизи, меванинг эса атиги 1 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланган, мавжуд 9 та мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхонаси 40-50 фоиз қувват билан ишлаган.

Айни пайтда сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган 18 та агрофирманинг фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Бунинг сабаби — вилоятдаги мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналарига инвестициялар, замонавий минитехнологияларни олиб келиш, агрофирмалар фаолиятини кучайтириш масалалари ҳамон эътибордан четда қолиб келаётгани билан боғлиқ. Мисол учун, 2007 йилда "Агро минитех экспо" кўргазма савдоси аянуларига кўра танлаб олинган 2 миллиард сўмлик 46 та лойиҳа охиригача тўлиқ жорий этилмаган. Шу борада вилоятнинг Бешарик ва Данғара, Охунбобоев, Учкўприк ва Кува туманларида йил давомида мева-сабзавотни қайта ишлаш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва паррандачилик йўналишлари бўйича биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаган.

Президент вилоятда ижтимоий соҳа ривожига баҳо бераётган, кўйидаги фикрларни баён қилди. Албатта, Фарғона вилоятида бу масалалар бўйича кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда, бунинг ҳам қисми инкор этолмайди. Лекин баъзи бир шаҳар ва қишлоқларда бажаририлган ишлар талаб даражасида эмас. Бир қатор туманларда аҳоли хали-бери ўзгармасдан келмоқда. Бу, аввало, боғдорчилик, соғлиқни сақлаш, ўй-жай қурилиши, коммунал хизмат ва сервис соҳаларига тегишлидир.

Бу ҳақда кўп гапириб ўтирмадан, факат битта муаммони — 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйлари таъмирлаш масаласини олайлик. Бу борада вилоятда 2007 йилда 332 та кўп қаватли уйни таъмирлаш белгиланган бўлиб, амалда уларнинг 276 таси таъмирланган, холос. Олтириқ туманини ҳисобга олмганда, қолган барча туманларда

берилган топшириқлар бажарилмаган. Айниқса, Ёзёнов ва Бешарик, Учкўприк ва Тошлоқ туманларида бу борадаги ишлар талабга жавоб бераёлмайди.

Вилоят бўйича ҳозирги вақтда 638 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ширкатларда ишлаётганларнинг 40 фоизи бошқарув ходимлари бўлиб, бу меъёрга нисбатан 25 фоиз кўп, демакдир. Бу эса тўпланган маблағларнинг катта қисми иш ҳақи учун сарфланишига сабаб бўлмоқда. Натижада уй-жой фондларини сақлаш, коммуникация тизимларини таъмирлаш, ҳар хил носозликларнинг олдини олиш учун маблағ етишмаяпти.

Биз учун нафақат ижтимоий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга эга аҳолини иш билан таъминлаш масаласида ҳам қатор нуқсонлар борлигини айтишга тўғри келади, деди Исрол Каримов. Масалан, 2007 йилда бандлик идораларига иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони 2006 йилдагига нисбатан қарийб 11 мингга ёки салкам 20 фоизга ошгани ҳолда, ишга жойлаштирилганлари сони ўтган йилга нисбатан атиги 1,6 фоизга кўпайган.

Янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва кенгайтириш, қасанчиликни ривожлантириш ҳисобидан иш жойлари яратиш масаласига Данғара, Бағдод, Ёзёнов, Охунбобоев, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманларида етарли эътибор берилмапти.

Вилоятда замонавий касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган ёшларни ишга жойлаштириш борасидаги аҳолини ҳам қониқариб баҳолаб бўлмайди. Хусусан, 2007 йилда касб-ҳунар коллежларининг 22 минг 550 нафар битирувчисидан 12 минг 995 нафари ёки 57,6 фоизи ишга жойлаштирилган, холос. Ҳўш, қолган ёшларнинг тақдири ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида ким бош қотиради, деган ўринли савол туғилади.

Ўртбошимиз сессия иштирокчилари эътиборини бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг аҳолига қаратар экан, шундай деди.

Қадим-қадимдан ўзининг қўли гул усталари, ғўзал масканлари билан ном қозониб келган Фарғона вилоятида кейинги йилларда ободончилик масаласида ҳам оқсоқлик аломатлари кўзга ташланмоқда. Узоққа бормасдан, вилоят маркази бўлган Фарғона шаҳрини олайлик. Бу шаҳарнинг кейинги йилга ўттиз йил давомида эски қолатда, ўзгармасдан қолиб келаётганини, баъзи жойларда нураб кетган иморатларни кўриб, одам албатта ранжийди.

Вилоят марказини ҳар томонлама обод ва кўркам шаҳарга айлантириш учун маҳаллий раҳбарлар ва мутасадди шахсларга бир неча бор

зарур тақлиф ва тавсиялар берилган эди. Лекин бу масала ҳалигача уларнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Маълумки, ҳеч қайси шаҳар биринчи йилда обод бўлиб қолмайди, бунинг учун анча муддат керак. Лекин ўтган йиллар давомида вилоят раҳбарлари мана шу масалани ечишга астойдил киришганида, бугун жуда кўп иш қилинган бўлар эди.

Уйлаيمانки, бундай нохуш ҳолатга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак, деди Президент. Шаҳар раҳбарлари, биринчи галда, шаҳарнинг ҳокими, маъмурияти, бош архитектори ва бошқа мутасадди шахсларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш, керак бўлса, Тошкентдаги етакчи лойиҳа институтларининг мутахассисларини тақлиф этиб, Фарғона шаҳрининг ўзига хос ва шу билан бирга, бетакор иқтисодини яратиш ҳақида барчамиз биргаликда бош қотиришимиз зарур.

Бугунги кунда 3 миллионга яқин одам истиқомат қилаётган Фарғона вилояти мамлакатимиздаги аҳоли энг кўп ва зич яшайдиган худудлардан бири ҳисобланади, деди Исрол Каримов сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масала ҳақида тўхталар экан. Табиийки, вилоятнинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб, аввало, унинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, эл-юртнинг ҳаётини тебраттиш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, мактаб, касалхона, транспорт хизмати кўрсатиш ва бошқа ўнлаб бир-биридан муҳим ва зарур масалаларни жой-жойига қўйиш албатта осон иш эмас.

Фарғона вилояти ҳокими вази-фасида ишлаб келаётган Абдуҳошим Абдуллаев фаолиятига шу нуқтага назардан баҳо бераётган эканми, шунинг айтиши керакки, ўтган йил давомида вилоят ўз тараққиётида қандай натижаларга эришган бўлса, буларнинг барчасида унинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. У қўлидан келганича, имконияти борича ҳаракат қилганини эътироф этишимиз лозим.

Лекин, келинг, Фарғона вилоятида мавжуд бўлган аҳолига очик кўз билан қарайлик. А. Абдуллаев ўтган бир ярим йил давомида вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида вилоят, туман ва жойлардаги раҳбар ва фаолларни ана шу ўртда олдида турган ўта муҳим ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш учун бирлаштириш ва сафарбар қилишга, етакчи сифатида уларни бошқаришга қўрби-қудратни етмади. Бунинг натижасини бугун Фарғона вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида турли соҳаларда оқсоқликка йўл қўйилгани, мавжуд муаммолар ўз ечимини топмасдан, тобора тўпланиб ва кўпайиб бораётгани мисолларидан кўриш мумкин.

Бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур: мана шу масалаларга, бугун вилоят ҳаётидаги барчамизни безовта қиладиган, одамларни қийнаётган, ечимланган муаммоларга ўзимиз ўз вақтида тўғри баҳо бериб, юзага келган ҳолатга танқидий кўз билан қараиб, уни ижобий томонга ўзгартириш чораларини кўришимиз керак.

Ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай раҳбардан, айниқса, вилоят ва туман етакчиларидан ақл-заковат, ташкилотчилик, талабчанлик ва қатъиятлик каби хусусиятлар каттиқ қараганда чуқурроқ англаш ва узоқни кўриш, энг муҳими, кенг қамровли фикр юритиш, ҳар қайси ишни бошлашдан олдин унинг оқибатини кўра билиш, қарор қабул қилаётганда масъулиятни ўз зиммасига олиш, керак бўлган жойда қаттиққўллик кўрсатиш талаб этилади.

Айни шундай хусусият ва аломатларга эга бўлмасдан туриб, одам ўзини етакчи, раҳбар, деб ҳисоблаши ўзи қийин.

Бу ҳақда гапирганда, шундай бир ҳолатни ўзимизга тасаввур қилсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман, деб таъкидлади Ўртбошимиз. Яъни, раҳбар деган одам ўзини бамисоли кураш майдонидидаги саркарда деб фараз қилиши керак. Бошқача айтганда, саркарда кураш майдонининг пасту баландини, хавфу хатар қайси томондан келишини қандай тасаввур қилса, раҳбар ҳам ўзи бошқараётган худуднинг шарт-шароитини, унинг барча жиҳатларини ва мавжуд муаммоларни беш қўлда билиши зарур.

Айниқса, Фарғона вилояти мисолида оладиган бўлсак, ҳар қайси шаҳар — бу Фарғона ёки Қўқон бўладики, Марғилон ёки Қувасой бўладики — буларнинг ўзига хос, ўзига мос турмуш тарзи, ечимланган муаммоларга эга эканини унутмаслик лозим. Вилоятдаги мавжуд 15 та қишлоқ тумани бири иқкинчисига ўхшамайди, ҳар бирида ўзига яраша афзал томонлари билан бирга, қийинчилик ва муаммолари ҳам бор.

Буларнинг барчаси биринчи раҳбардан мана шу Фарғона заминиде яшаётган одамларнинг кўнглига етиб бориш, уларни рози қилиш, амалий режалар атрофида бирилаштириш, эртанги кунга ишонтириш, катта марралар сари сафарбар этишни талаб қилади. Бугунги тажриба, бугунги ҳаёт шунинг кўрсатмоқдаки, бундай юксак хусусият ва аломатларга эга бўлиш ҳар қандай раҳбарга ҳам берилмас экан, деб қайд этди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А. Абдуллаев Фарғона вилояти ҳокими вази-фасидан овоз қилинди.

Президент Исрол Каримов тавсиясига кўра, республика Ё-мой ва озик-овқат саноати уюшмасининг

раиси лавозимиде ишлаб келаётган Маматисоқ Ғафуров Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бугун ҳалқимиз ва Ватанимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Бу босқичда аниқ ва равшан белгилаб олган стратегик йўлимиз, ҳаракат дастуриимизни амалга ошириш учун ҳар биримиз — давлат раҳбаридан тортиб оддий фуқарога — барчамиз белгиланин маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, ислохотларни янада чуқурлаштириб, мамлакатимизни янги, юксак марраларга олиб чиқишимиз зарур, деди Ўртбошимиз. Буни биздан шиддат билан ўзгартириб бораётган ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Асрлар давомида олтин водий деб ном олган, нафақат Ўзбекистон, балки минтақамизнинг том маънода юрғи бўлиб келаётган Фарғона вилояти меҳнатқашлари ана шу улкан вазифаларни ҳал этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, бошқаларга ибрат ва намуна бўлади, деб ишонманам. Бунинг учун Фарғона вилоятида куч ҳам, имконият ҳам, замонлар синовидан ўтган тажриба ҳам етарли.

Энг муҳими, Фарғона ахлининг билим ва салоҳияти, азму шижоати, ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган аjoyиб фазилатлари бор. Бундай эл билан ҳар қандай юксак мақсадларга эришиш мумкин. Ҳамма гап — бу халқнинг қалбига йўл топиб, уни улғу орзу-ниятлар сари сафарбар эта олишда. Уйлаيمانки, бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбар вилоят аҳлига суяниб-таяниб, мавжуд муаммоларни ечиш, Фарғона вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилди, деди пировардида Исрол Каримов.

Сессияда сўзга чиққан Фарғона давлат университети ректори М. Аҳмедов, Қўқон шаҳар 14-Қаймоқли гузары маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш. Маҳмудова, Риштон тумани "Умидли тонг юлдузи" фермер хўжалиги раҳбари Ш. Собиров, Фарғона шаҳар ҳокими Э. Нуралиев, Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси А. Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз нутқида баён қилинган танқидий фикр-мулоҳазалардан зарур хулосалар чиқарган ҳолда, мавжуд муаммо ва камчиликлари бартараф қилиш, белгиланган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли оло этиш йўлида вилоят ахли бир ёқадан бош чиқариб, узоқоқлик билан астойдил меҳнат қилиши зарурлиги ҳақида гапирдилар.

(ЎЗА).

Орол муаммолари Тошкентда ўтказиладиган халқаро конференцияда муҳокама қилинади

Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг «Иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш: БМТ ва жаҳон ҳамжамияти фаолияти» мавзусида ўтказилган музокараларда Ўзбекистон Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий вакили А. Воҳидов сўзга чиқди.

БМТга аъзо давлатлар вакилларига Ўзбекистон ташкилотининг иқлим ўзгариши муаммосига оид умумий конвенцияси ва Киото протоколи доирасида ўз зиммасига олган мажбуриятларини изчиллик билан амалга ошираётганини тўғрисида ахборот берилди.

Унда таъкидландики, ҳаётнинг ўзи Марказий Осиёда сув захираларини бошқаришнинг умумий тизимини зарурлигини шарт қилиб қўймоқда ҳамда ўзаро ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришнинг талаб этиляпти. Шу маънода, мазкур минтақадан сувдан фойдаланишга дахлдор лойиҳаларни амалга оширишда бу ердаги экологик вазиятга таъсир этиши мумкин бўлган ва тўзатиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқарадиган барча омиллар ҳисобга олиниши зарурлиги қайд этилди.

А. Воҳидовнинг маълум қилишича, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган умумий савъ-ҳаракатларга Ўзбекистон ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиш мақсадида шу йилнинг 11-12 март кўнлари Тошкентда «Орол муаммолари, унинг аҳоли геоекологик ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига таъсири ҳақида унинг зарарли оқибатларини камайтириш чоралари» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Тадбир якунлари бўйича Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича ҳаракат режасини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.



ТУПРОҚ ТАШХИСЧИЛАРИ

Деҳқончилик маданиятидан маълумки, экинлар ҳосилдорлигини оширишда, аввало, тупроқнинг ҳосса ва хусусиятлари ҳақида тарқибини чуқур ўрганиш муҳим ҳақимият касб эҳди. Мутахассисларнинг фикрича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда тупроқ тарқибидеги калий, фосфор ва гумусни таҳлил қилиш орқали ҳар бир экин майдонининг картограммасини тузиш мақсадида мувофиқдир.

Қашқадарь вилояти Агротимб станцияси жамоаси томонидан тупроқ унумдорлиги, унинг шўрланиши, захарланиши ва

радионуклит (радиация) даражаси ҳақида ўсимлик тарқибидеги имевий унсурларни аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш борасида бир қатор ишлар олиб бориламоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини маъданли ўғит билан таъминловчи ташкилотлар ташкири мутахассислари томонидан тайёрланган картограмма асосида фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: агроэколог Бойқобил Ибодов. Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АМАЛДАГИ ЁРҚИН ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

УЗА мухбири анжуман иштирокчиларининг айримларидан интервью олди. **Маргарита АСЕНОВА, Янги демократиялар институти ижрочи директори (АҚШ):**

— Ўзбекистонда босқинча-босқин амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Масалан, суд-ҳуқуқ соҳасида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш давомида барча вазирлик ва идоралар ўзаро ҳамкорлик қилди, уларнинг бу борадаги фаолияти юксак ташкилий савияда мувофиқлаштириб борилади. Амалга оширилаётган ислохотлар жамиятнинг томонидан қўллаб-қувватлангани жуда муҳимдир. Бу бизда катта ҳавас уйғотди. Инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим соҳадаги ислохотлар узоқ давом этадиган жараён. Биз Ўзбекистонда бу борадаги ишлар тўғри йўналишда ва жадал суръатда амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдиқ.

Стивен УАЙТ, Буёқ Британиялик эксперт:

— Мамлакатингизда маданият, сиёсат ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар кўламини мени ҳайратга солди. Шунингдек, иқтисодий, ўлим ҳазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш

ҳуқуқнинг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасида эришилган жуда катта ютуқдир. Менимча, ушбу анжуман ва унинг доирасида амалий ҳақида очик мулоқот руҳида ўтган барча учрашувлар ўзининг юксак самараларини беради. Шунингдек, халқаро муносабатларни мустақамлашда катта аҳамият касб этади. Мен бу борадаги ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишига ишонманам.

Эллен БЕСТ, Бремен шаҳри судьяси (Германия):

— Бу — менинг Ўзбекистонга иккинчи ташрифим. Мамлакатингизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилганга гувоҳ бўлдиқ. Ўзбекистонда ушбу ислохотлар муттасил ривожланган жамият эҳтиёжлари тўла ҳисобга олинган ва пухта таҳлил қилинган ҳолда изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатингизда босқинча-босқин амалга оширилаётган ислохотларнинг юксак самаралар бераётгани, ижтимоий тузумни, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатингиз таърихидан маълумки, Ўзбекистоннинг таърихдан таърих ривожланиши йўли демократик жамият барпо этишда катта самара беради.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

«Жаҳон» АА. Нью-Йорк.

Янги хабар

ҚАДИМ ЙЎЛЛАРИНИНГ ЯНГИ ЖАМОНА


Мамлакатимизнинг энг шимолий тумани — Қўнғирот билан қўшни Қозоғистон Республикасининг Бейнеу шаҳрини туташтирувчи катта магистраль йўлининг 876-916 километри жадал реконструкция қилинмоқда.

Бу юмушни Қўнғирот йўллардан фойдаланиш ва таъмирлаш давлат пулрат корхонаси жамоаси амалга ошираётир. Корхона бош муҳандиси Бахтиёр Маткаримовнинг айтишича, жорий йилда

5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилади. Эни 11 метру 60 сантиметрлик йўл тўлиқ асфальтланади, иккита янги кўприк қурилади, муҳандислик-коммуникация ишлари рўёбга чиқарилади. Шу мақсадда 2 та экскаватор,

9 та бульдозер, 17 автомашина, 3 автогрейдер, тупроқни зичловчи ва уни юкловчи механизмлар жалб этилган. Улар тинимсиз ишламоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.



ЖАҲОН 24 соат ичида

«G8» саммити

Жорий йилнинг 7-9 июль кунлари Япония шимолдаги Хоккайдо оролида «Катта саккизлик» (G8) мамлакатларининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди.




Бамбукли ноутбук

Шу кунларда Германиянинг Ганновер шаҳрида «СеВТ 2008» номи янги компьютер технологиялари курғазмаси давомида.

Минбарда... робот

Буюк Британиянинг Плимут университетининг олимлари яқинда энг замонавий «iCub» роботини яратиб чиқарди.




Рўйхат эълон қилинди

Хитойнинг Фан ва технология вазирлиги 2007 йилда мамлакатда олиб борилган энг яхши тадқиқот ишлари рўйхатини эълон қилди.

Энг узун ер ости йўли

Москва шаҳрида Европада энг узун ер ости йўли қурилиш режалаштирилмоқда.



ЎЗБЕК УСТАЛАРИНИНГ ТУҲФАСИ

Туркистон-Америка ассоциацияси Ўзбекистондан ажойиб бир туҳфани қабул қилди. Абдурахим Умаров раҳбарлигидаги «Усто» республика ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Ўзбегим усталари» корхонаси вакилларидан иборат бир гуруҳ юртимиз усталари мазкур ассоциациянинг Нью-Жерси штати Довер шаҳрида жойлашган миллий-маданий маркази биносида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширди.

А. Умаровнинг таъкидлашича, марказда таъмирлаш ва безак ишларини олиб бориш жараёнида ўзбек усталари бой ҳамда кўп қирралли миллий санъатининг ва маданиятимизнинг кенг намоиши этишга ҳаракат қилишган.

риб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. «Усталар томонидан бажарилган ҳамда ўзбек халқининг қадимий маданияти, тарихи ва аъёналарининг сармазмун тарзда акс эттирган ушбу бежис меҳнат маркази ҳақиқий санъат галереясига айланган», деди у.

А. Ҳужа марказни таъмирлаш бора-бора кўрсатилган кўмак учун Ўзбекистон раҳбариятига савимий миннатдорлик билдириди.

Нигоҳ

депти Ислом Каримовга савимий миннатдорлик билдиришмоқчиман. Бундай эътибордан чўқур таассуротимиз ва биз учун бу катта шарафдир.

КАТТА ЧЎПОН

Боботоғда тун. Абдуғаффор чўпон дўмбрасини қўлига олиб, «Алломиш»-дан айта бошлади. Унинг овози гулдурак, кўнглига ҳузур бағишлайди.

Абдуғаффорнинг болалиги дашдада кўп боқиб ва кўпни кўрган чўпонларнинг гурунини эшитиш билан ўтди.

— Отамнинг насихатлари ва амалга оширган тадбирларини эсласам, чўпонликнинг моҳиятини тушуниб етгандай бўламан, — дейди Абдуғаффор Мошоев.


Соролқа — Боботоғнинг хушманзара гўшаси. Чап тарафда афсонавий Говурган чўққилари маҳобат тўкиб туради.

Аскаралли фермер ҳўжалиги деб номланади, — дейди А. Мошоев. — 700 бош қорақўл қўйини боқаялгимиз.

Чорвадорлар оиласининг меҳнати доимий эътиборда бўлиб келапти. Уzun тумани Файзобод фермерлар уюмаси ва қатор хомий ташкилотлар томонидан иссиқ қўйини-бош, халқ истеъмоли моллари улуқисиз етказиб турилибди.

Ойла бекаси Гулнора опа болаларининг тарбияси ҳамда рўзгор юмушларидан ортиб, чўпонлик қилиб ҳам кетаверади.

Сулола



Чўпон олти нафар бола-бақраси билан шу уйда яшайди.

Шарҳ

Президентимизнинг 2007 йил 20 июлдаги «Иқтисодийнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва бинаон, республикамизда 2007 йил 1 августдан бошлаб акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус чекланган ҳуқуқи — «олтин акция» тамойили жорий этилди.

«Олтин акция» нима?

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида акциядорлик жамиятлари томонидан муомалага чиқарилмаган тўрт хил турдаги акцияларнинг турлари кўрсатилган бўлса, янги қўшимча ва ўзгаришлар асосида 24-модда билан «олтин акция», яъни мамлакат иқтисодийоти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқларнинг хусусийлаштирилган айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштироки учун махсус чекланган ҳуқуқ жорий этилди.

Унга мувофиқ, «олтин акция» — айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилганда ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига асосан жорий қилинади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида «Олтин акция» қийматга эга эмас, бошқа шахсга берилмайдиган ҳамда гаровга қўйилмайди, жамгарма фонди микродароғи белгиланган ва дивидендларини ҳисоблашда инобатда олинмайди.

«Олтин акция» жамгарма фондида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш 25 фоиздан ошмай диган акциядорлик жамиятларида жорий этилиши мумкин. Давлатнинг «олтин акция»дан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

«Олтин акция» акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини тайинлаш воситасида реализация қилинади. Давлат вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ва Кузатув кенгаши мажлисларида қонунда белгиланган қўйилган масалалар бўйича вето қўйиш ҳуқуқи билан мажбурий тартибда иштирок этади. Вето қўйиш ушбу қарорлар қабул қилинган қўни ёзма шаклда амалга оширилади.

Незмат ХАТТАБОВ, ҳуқуқшунос.

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ АГЕНТЛИГИ

Кореяга бориб ишлаш тартиблари тўғрисида

Корея мамлакати мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг ишончли ва яқин шерикларидан бири бўлиб келмоқда. Икки мамлакат ўртасида шаклланган барқарор ҳамкорлик муносабатлари турли соҳаларда ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига замин яратмоқда.

муассасаси орқали ташкиллаштирилган тартибда тиббий қўриқдан ўтказилиб, унда соғлом деб топилган фуқаролар Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус компьютер дастуридаги маълумотлар базасига киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Кореяда ишлаш истagini билдирган хорижий ишчилар тўғрисидаги маълумотлар базасига тегишли ахборотлар киритилди ва номзодлар тўғрисидаги маълумотлар махсус компьютер дастури орқали Корея Меҳнат вазирлигига юборилди.

масалалари агентлиги ходимлари виза сертификати олинган номзодларга Кореяга кетиш олдидан тегишли ҳужжатларини таёйёрлашда кўмаклашадиган ва номзодларни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуринда тек ашларга кетаётган фуқароларни олдидан кўнтрируш ва ўқитиш марказида маълумотларда иштирок этишлари учун йўлланма билан таъминлайди.

Тўртинчидан, Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати виза сертификати чиқариш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришга таъкиф этади.

Кореяга юборилиши осонлик билан ҳал қилиб бера оlishлари ва хаттоки, иш бевуричига айланган ҳолда, виза сертификати олишни тезлаштиришлари, Кореяда ишга жойлаштириб қўйишни ҳал қилишлари ёки Кореяга виза олиб бериш каби ваздаларни қилиб, фуқароларнинг пал талаб қилиш холларини, афсуски, ҳамоно эс бермоқда.

Шуни тақдоран қайд этиш керакки, иш бевуричидан меҳнат шартномаси олингандан сўнг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан номзоднинг яшаш манзили бўйича текоор телеграмма юборилди ва Кореяга ишга кетиши ҳеч қандай кимсалар пал олуш ёки бериш йўли билан ҳал қилимайди.

Шу муносабат билан фуқаролар Кореяга ишга бориш масаласида юзага келаётган саволлар ва аниқлаштиришлар бўйича Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг 252-75-23 ёки Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 139-41-12 рақамли «Ишонч телефонлари»га мурожаат қилишлари мумкин.

АГЕНТЛИК АХБОРОТ ХИЗМАТИ

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Бир сўз айтсам

Бир сўз айтсам жарангига жоним қўшиб,
Расмин чизсам ҳар рангига қоним қўшиб.

Ҳар ҳарфида Ватан деган имло бўлса,
Паноҳингда асра, деган дуо бўлса.

Мен Ватанни қароғимга қадаб қўйсам,
Мен жонимни Ватан учун атаб қўйсам.

Ўғлим унинг улуғлигин оширолса,
Қизим унинг гузаллигин тоширолса.

Навотим деб набирамга тутсам уни,
Мўйсафиддек остонада кутсам уни.

Билмам нечун кўздан тошиб дил тўлмоқда,
Уйларимдан отам руҳи шод бўлмоқда.

Мен Ватанни жоним десам жон бўлади,
Етмиш минг пушт авлодимга шон бўлади.

Бир сўз учун бор бисотим тутсам қани,
Навойнинг бир байтини битсам қани.

Ватан деса, диллар аро наво бўлғай,
Надир Маҳмуд, жаҳонгирлар фидо бўлғай.



Тўртликлар

Дерлар: ноннинг увочи ҳам нон,
Дастурхоннинг чироғи ҳам нон.
Тиз чўксанг-у, кафтинга олсанг,
Ўзбекистон тупроғи ҳам нон.

Биздан бахтли одамлар кўпдир,
Биздан бахтсиз одамлар кўпдир.

Келгин энди, шукр қилайлик,
Дунё денгиз, жон — лангар чўлдир.

Изхори ишк учун дил сўзи яхши,
Рост сўз хитобига тил сўзи яхши.
Минг йил яшайдиган сўз керак бўлса,
Элақдан ўтолган эл сўзи яхши.

Тонгни ибодатда ўтказар она,
Тунни тиловатда ўтказар она.
Саждага бош қўйиб тинчликни сўраб,
Бизга саодатни тутказар она.



Она

Бир кун меҳмон келмаган кун йўқ,
Остонангиз тиллодан, она.
Сизни асли тилаб олганлар
Муҳаббатдан, вафодан, она.

Сиз умримнинг мунаввар нури,
Уй-тўрида бир офтобимсиз.
Дуоларнинг дури жамланган
Муқаддасиз, хуш китобимсиз.

Бир кун меҳмон келмаган кун йўқ,
Бу феълнинг худодан, она.
Сизни сира кеттигим келмас,
Ҳамма кетган дунёдан, она.

Иккиликлар

Ёмғир ёғарди қор устига,
Миннат қилгандек дўст дўстига.

Сен ҳасад эшигин очганинг маҳал,
Ҳавас ёқасига чанг солди ажал.

Офтобнинг овози сочган нурида,
Шул сабаб ўлтирар осмон тўрида.

Умидидан узилган одам
Мункиб қолар йиғит бўлса ҳам.

сурашани

Назм

Бешкапада спорт мактаби

Наманган туманидаги
Бешкапа қишлоғида
болалар ва ўсмирлар
спорт мактаби иш
бошлади.

Замонавий тилдаги спорт зали
ва майдончасига эга бўлган бу
маскан 30 миллион сўмликдан
ортиқ миқдордаги спорт жиҳоз-
лари билан таъминланди.

Қисқаси, спорт мактабида
қилшқоқ ёшлари спортнинг ўнлаб
турлари билан шуғулланишларига
имконият яратилган.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Успех — дело техники!

FUJITSU COMPUTERS
SIEMENS



NURON

"Всемирная гарантия
до 3-х лет"

Сделано в Германии

Серверы и компьютеры для решения любых задач, а также
широкий выбор ноутбуков от бюджетных до ЭЛИТНЫХ!

Адрес: ул. Лисюнова, 2
Тел: (+99871) 294-60-60
E-mail: sales@nuron.uz
www.nuron.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

PETRONAS



“ПЕТРОНАС” компанияси
Ўзбекистоннинг барча аёлларини
Халқаро хотин-қизлар байрами —
8 Март куни билан чин қалбдан
табриклайди!



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам
билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхалда
босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



Газета таҳририят компьютер марказида
териди ҳамда операторлар
Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов
томонида саҳифаланди.

Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мухасрих — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Булок Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.35
Тошпирлиди — 23.59 1 2 3 4 5 6 7